

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ТЎХТАМИ

2001 йил 9 август

Тошкент шаҳри

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Раис Б.Эшон, судьялар Б.Мирбобоев, У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси биринчи қисмининг учинчи бандига ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида”ги ишни очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала якка тадбиркор В.Фроловнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимоваларнинг ташаббуси асосида киритилди.

Маърузачи судья С.Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик кўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг консультанти Ю.Назаров, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик бўлими мудир Б.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармасининг бошлиғи Х.Содиқов, Давлат солиқ кўмитаси раисининг ўринбосари Э.Гадов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг солиқ сиёсати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т.Минибаева, Давлат солиқ кўмитасининг услубиёт ва даромадларни декларациялаш бўлими бошлиғи О.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси раиси М.Собиров ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзолари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинги институти директорининг ўринбосари М.Ғасанов, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосари М.Азимов,

Тошкент шаҳар адвокатлар хайъати раёсатининг раиси С.Ёкубов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кафедра бошлиғи Х.Одилқориевларнинг фикрларини эшитиб, ишга доир барча материаллар ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Конституциявий суд

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига хусусий тадбиркор В.Фролов “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўз имтиёзларидан ғайриқонуний маҳрум этилгани хусусида шикоят билан мурожаат этган.

В.Фролов 1999 йил октябрь ойидан эътиборан яқка тадбиркор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 641-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдоридаги ставка бўйича солиқ тўлаб келган. Кейинроқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ва жисмоний шахслардан қатъий белгиланган миқдорларда олинadиган даромад солиғининг энг кўп ставкasi энг кам ойлик иш ҳақининг 10, сўнгра 20 ва 30 баравари миқдоригача оширилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли ва 2000 йил 26 декабрдаги 500-сонли қарорлари).

В.Фролов “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш кераклигига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси 2001 йил 13 июндаги №ТД/04-01-05/213 №15/3-3987 рақамли биргаликдаги тушунтириш хати билан уни бундай ҳуқуқдан маҳрум этганлар.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, “Ушбу Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади”. Шу Қонуннинг 5-моддаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланувчи ҳужжатларни санаб ўтади. Шунга асосланиб, Конституциявий суд қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 13 июндаги №ТД/04-01-05/213 №15/3-3987 рақамли тушунтириш хати норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. Шу боис ундаги, шунингдек шунга ўхшаш хатлардаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни 16-моддасининг иккинчи қисмини қўлланишга доир тушунтиришлар Конституцияга хилофдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (15-модда) Конституция ва қонунларнинг устунлиги тан олинади ва бошқа даражадаги ҳеч қандай ҳужжатлар қонун кучига эга эмас.

Қонун нормаларининг солиқ ва молия органлари томонидан нотўғри тушунилиши ва қўлланилиши нафақат В.Фролов учун, балки кичик ва хусусий тадбиркорликнинг бошқа субъектлари учун ҳам муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаргани боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмига шарҳ бериш зарур деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди амалдаги қонунларни таҳлил қилишда қуйидагиларга таянади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасининг иккинчи қисмига биноан имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига биноан, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Солиқ кодекси 11-моддасининг иккинчи бандида айтиладики, солиқ тўловчилар ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бир мунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги икки йил мобайнида бундай ўзгартишлар кучга киргунга қадар амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

Конституциявий суд келтирилган нормаларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил этиб ва фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақида қарор қабул қилар эканлар, ўзлари рўйхатдан ўтказилаётган пайтда амалда бўлган солиқ солиш тизими, яъни белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимлар, уларнинг ставкалари, имтиёзлар ва бошқалардан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштириши ҳамда амалга оширишини ҳисобга олиб, тадбиркорлар мослашиб олишлари учун кўриб чиқиладиган имтиёзларни икки йил мобайнида қўллаш зарурлигини қайд этади.

Баён қилинганларга асосланиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 19, 25, 26 ва 27-моддаларига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

қ а р о р қ и л а д и:

1. Янги солиқлар ва маҳаллий йиғимлар жорий этиш, солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг кўпайтирилиши, имтиёзлар бекор қилиниши билан боғлиқ солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтириш деб ҳисоблаш керак.

2. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмида мустаҳкамлаб қўйилган норма тадбиркорларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартиришлар киритилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда амалда бўлган ставка бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқини беради.

3. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**